



**Fidoyilik –  
Vatanga xizmat demak!**

# Zarafshon

www.zarnews.uz  
https://www.facebook.com/zarnews.uz  
@zarnews\_uz  
https://twitter.com/zarnews\_uz

**Кун ҳикмати**

Нодон  
фирибгарнинг  
мақрига дуч  
келгандан  
кейин ҳам ўз  
нодонлигини  
англаб етмайди

1913-yil aprel oyidan chiqa boshlagan

E-mail: zarafshong@gmail.uz



Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг

2020-yil 17-dekabr, payshanba, 146 (23.426)-son

## Афв этилган фуқаро

Жанубий кон бошқармасига ишга жойлашади

Вилоят ҳокимлигида секторлар раҳбарлари, ҳуқуқ-тартибот идоралари вакиллари давлатимиз раҳбарининг яқинда қабул қилинган фармонида кўра афв этилиб, жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган шахслар ва уларнинг ота-оналари билан учрашди.

Вилоят ҳокими Э.Турдимов халқимизга хос бағрикенглик, кеңирилик сабаб афв этилган фуқароларга соғлом турмуш тарзини йўлга қўйиш, жамиятда ўз ўрнини топиши, юз бераётган ўзгаруш ва янгиликларнинг фаол иштирокчиси бўлиши лозимлигини таъкидлади.

Қабулда вилоят ҳокими ҳар бир афв этилган фуқаро билан суҳбатлашиб, уларнинг ҳозирги ҳолати билан қизиқди. Б.Аминов билмай жиноят содир этиб, ҳозирги вақтда қилмишига чин кўнгилдан пушаймонлигини билдирди ва отасининг оёғини операция қилиш ҳамда уйланиши учун ҳокимдан ёрдам сўради. Ш.Қўчқоров эса ўз мутахассислиги бўйича Нуроб туманидаги Жанубий кон бошқармасига қарали конга ишга жойлашишда ёрдам сўради.

Учрашувда афв этилганларни моддий-маънавий қўллаб-қувватлаш, саноатликларини тиклаш, ишга жойлаштириш ва шу каби бошқа ҳаётий масалаларда амалий ёрдам бериш юзасидан мутасаддиларга тегишли топшириқлар берилди.

**Бахтиёр МУСТАНОВ.**



## “Ким Ватанга содиқ бўлса, мендирман ўша”

Юртимизда жорий йилнинг 15 декабрдан 2021 йилнинг 15 январига қадар ўтказиладиган “Ватанпарварлик ойлиги” тарғибот тадбирлари ушбу шиор остида ташкил этилмоқда.

Ёшлар ўртасида ватанпарварлик туйғуларини шакллантириш, уларни она Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, аҳолига муҳофаза тизимида амалга ошириладиган ислохотларни етказиш, Қуролли Кучларнинг салоҳиятини намоиш этиш мақсадида ўтказиладиган ойликнинг вилоятимиздаги тадбирлари бошланди.

Марказий ҳарбий округ Самарқанд гарнизонидаги ҳарбий қисмда ўтказилган тадбирда қисм командирлари, ҳарбий хизматчилар, фахрий ҳарбийлар ва ўқувчи ёшлар иштирок этди.

– Бу йилги “Ватанпарварлик ойлиги” доирасидаги тадбирлар-

да буюк бобомиз Жалолоддин Мангубердиннинг Ватан ҳимоясидаги жасорати, жангу жадаллардаги ҳарбий маҳорати бош ғоя сифатида белгиланган, – дейди ҳарбий қисм командирининг ўринбосари, подполковник Шавкат Абдурахимов. – Жалолоддин Мангуберди ҳарбий санъат бобида ўз даврида довруғи етти иқлимга кетган баҳодир бўлган. Бу йилги тарғибот тадбирларида буюк бобомизнинг кўрсатган қаҳрамонликларини ёшлар онгига сингдириш орқали уларни Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, ҳарбийликка қизиқтириш, юрт олдидаги фарзандлик бурчи-

ни англатиши мақсад қилганмиз.

Тадбир давомида қисм ҳарбий хизматчилари томонидан тайёрланган Жалолоддин Мангуберди жанг сахнаси, кўл жанги усталарининг кўргазмалари чиқиши намоиш этилди. Тадбирга таширф буюрган ёшлар кўраол-аслаҳалар, ҳарбий техникалар билан бево-сита танишди.

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши ҳарбий бўлим бошлиғи Хусан Ғозиевнинг таъкидлашича, бу галли “Ватанпарварлик ойлиги” фақатгина туман ва шаҳарлар марказларида эмас, балки ҳудудларда ҳам ўтказилади. Шу боис, Ватанпарварлик қарвонлари ташкил этилиб, жойларда ҳарбий техникалар, қурол-аслаҳалар, ҳарбийларнинг кўргазмалари чиқишлари намоиш этилади.

**Алишер ИСРОИЛОВ.**

## Терговчининг хатоси адолатсизликка йўл очади

Қонунчиликнинг таомили шундай: жиноятчи, гумонланувчи, гувоҳ ва жабрланувчи ҳам ўз ҳаракатида дастлабки хулосани терговчининг ўзига нисбатан муносабатидан билиб олади. Тергов сифати эса ана шу муносабатнинг ҳолис, адолатли бўлишига боғлиқ. Ҳўш, вилоятдаги прокуратура, ички ишлар идоралари терговчилари бу вазифани нечоғлик уддалаяпти?

Вилот прокуратурасида “Терговчи фаолияти қонун ва мамлакатдаги ислохотлар талабларига мос бўлиши керак” шиори остидаги семинарда ана шу масала таҳлил этилди.

– Минг афсуски, хом, бирёқлама терговлар пировардида аҳолининг эътирозига сабаб бўлаётди, – деди вилоят прокурори Р.Машарипов. – Сайёр қабуллардаги мурожаатлар ва келаётган шикоятларни ўрганиш чоғида бунга ўзимиз гувоҳ бўляпмиз. Баян жамиятдаги ўзгаришларни, жиноятнинг сабаб ва оқибатини ҳисобга олмасдан бошланган терговдаги хатолар ишнинг якунига салбий таъсир ўтказаяпти. Бундай камчиликларга йўл қўймаслик учун биз бундан кейин терговчилар салоҳиятини ошириш, яъни

уларни ўқитиш, маънавиятини бойитиш, масъулиятини кучайтириш, хусусан, жамоатчилик билан доимий мулоқотда бўлиши чораларини кўрамиз.

Олий Мажлис Сенати аъзоси Ф.Тошев тергов натижаси жамиятда адолат барқарор бўлишига хизмат қилиши, терговчи пухта ҳуқуқий, сиёсий билимга эга бўлиши, ишни атрофдаги ўзгаришлар талаби асосида юритиши, ўз билимини ошириб бориши зарурлигини таъкидлади. Терговчиларга алломалирининг “Иккала томонни ҳам эшитмасдан қарор қабул қилган кимса, агар унинг қарори адолатли бўлса, у адолатсизлик қилган бўлади” деган сўзини шиор сифатида ишлатишларини тавсия қилди.

– Терговчининг шаклланиши учун муайян вақт талаб этилади, – деди вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғи Ш.Раҳмонов. – Бу муддат ичида у устозлардан касб сирларини, одамлар руҳиятини ўрганиши, нафақат қонунчиликда, балки ҳаётнинг бошқа соҳаларидаги ҳуқуқий-норматив ҳужжатлар билан танишиб бориши лозим. Терговчининг мустақиллиги унинг жамиятдаги ўзгаришлар ва томонлар манфаатини пухта ўрганишига таъсир қилмасин.

Вилоят адвокатлар палатаси раиси Т.Қодиров тергов ишларининг сифати адвокатлар билан ҳамкорлик қилишига нечоғлик боғлиқлигини айтиб ўтди. Адвокат талаблари ўрганилаётган ишда нотўғри хулоса чиқаришнинг олдини олади. Қолаверса, қонунчилик талаби ҳам шундай.

Вилоят прокурори ўринбосари С.Эшқувватов ўз чиқишида терговчиларнинг фаолиятини таҳлил қилди. Тергов жараёнида йўл қўйилаётган камчиликлар, уларнинг сабаблари ҳақида фикр юритди. Бу юзасидан терговчиларга маслаҳатлар берилди.

Йиғилиш қатнашчилари тергов жараёни қонунлар талаби асосида ўтиши баробарида, унинг натижаси мамлакатда адолат устуворлиги ва ижтимоий барқарорликка хизмат қилиши керак, деган хулосага келдилар.

**Баҳора МУҲАММАДИЕВА.**

## Самарқанд – талабалар халқаро олимпиадаси мезбони

Самарқанд давлат тиббиёт институтида тиббиёт олий таълим муассасалари талабаларининг “Самарқанд – 2020” халқаро онлайн олимпиадаси бўлиб ўтди.

Халқаро онлайн олимпиадада Россия, Украина, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Ўзбекистон тиббиёт олий таълим муассасаларининг 27 та талабалар жамоаси, яққа қатнашувда 40 та олий таълим муассасасидан 2000 нафардан ортиқ талаба қатнашди.

Жамоалар томонидан тақдим қилинган ижодий иш ва маърузалар Жанубий Корея, Япония, Польша, Беларусь, Россия, Украина, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва мамлакатимиз тиббиёт олийгоҳлари ва илмий-текшириш институтлари етакчи олимлари, профессор-ўқи-



тувчиларидан иборат хайъат томонидан баҳолаб борилди.

Шўбаларда тиббиёт фундамента ва клиник фанлари, жумладан одам анатомияси, хирургия, стоматология, акушерлик ва гинекология, суд тиббиёти, юқумли касалликлар,

терапия, кардиология, травматология, ортопедия ва шу каби бошқа йўналишларда долзарб масалаларга бағишланган инновацион ишланмалар тақдим қилинди.

Самарқанд тиббиёт институти талабалари – Анваршед Тўраев

ёш тадқиқотчиларнинг илмий ва инновацион лойиҳалари танловидан “Йил талабаси” номинацияси ғолиби бўлди, Рамиз Шаввази ушбу лойиҳада биринчи ўринни кўлга киритди. Шунингдек, одам анатомияси фанидан Азизбек Шақулов, паталогик анатомия фанидан Азиза Ғаниева, суд тиббиёти фанидан Парвина Икромова ҳам ғолиб деб топилди.

Онлайн халқаро олимпиадада институтининг бакалаврият йўналиши талабаларидан 46 нафари, магистратура йўналишида таҳсил олаётган талабалардан 26 нафари тақдирланди. Тадбир якунида ғолибларга диплом ва сертификатлар топширилди.

**Одилбек АҲМЕДОВ.**

## Худудни қандай ривожлантирамиз?

Халқ депутатлари Каттақўрғон тумани Кенгашининг сессиясида туман ҳокими вазифасини бажарувчи Ж.Насриддинов аҳолига мурожаат қилди.

Таъкидланишича, 2020 йил 1 декабрь ҳолатида туманда 3094 тадбиркорлик субъекти фаолият кўрсатмоқда. 11 ойда 1235 янги хўжалик субъектлари ташкил қилинди.

Тижорат банклари томонидан барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан тумандаги 2504 та юридик ва жисмоний шахсларнинг тадбиркорлик лойиҳаларига 143 миллиард сўм кредитлар ажратилди.

Хусусан, “Ҳар бир оила – тадбиркор” дастури асосида 862 лойиҳага 23,4 миллиард сўм, Фермер, деҳқон хўжаликларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳисобидан 92 лойиҳага 3,9 миллиард сўм, хунармандчилик соҳасидаги 51 лойиҳага 1,5 миллиард сўм, хотин-қизлар ва оилани қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ҳисобидан 17 лойиҳага 500 миллион сўм, “Yoshlar – kelajagimiz” дастури асосида 9 лойиҳага 400 миллион сўм имтиёзли банк кредитлари ажратилди.

Бугунги кунда туманда меҳнатла-

ётқатли аҳоли (меҳнат ресурслари) 152,8 минг кишини ташкил этиб, уларнинг 109,6 минг нафари иқтисодий фаол ҳисобланади. Лекин бу фуқароларнинг 11,4 мингга яқини иш ўринларига муҳтож, ишсизлик даражаси аёллар ўртасида 12 фоизни ва ёшлар ўртасида 14,4 фоизни ташкил қилмоқда.

Бу йил 2109 нафар ишсиз фуқаро доимий иш жойларига ишга жойлаштирилди, 279 киши меҳнат бозорига талаб юқори бўлган касбларга ўқитилди, 217 нафар ишсизларга нафақа тайинланди, ижтимоий муҳофазага олинди. Бундан ташқари, 2043 киши ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этилди.

2021 йилда мақсадли дастурлар доирасида яратиладиган иш ўринларига 7600 нафар фуқарони ишга жойлаштириш режалаштирилган. Шунингдек, 2100 киши ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этилиб, 782 фуқаро бандлигини таъминлаш учун 5 та йўналишда субсидия маблағи ажратилади.

Халқ депутатлари Қўшработ тумани Кенгашининг сессиясида аҳолига мурожаат қилган туман ҳокими Х.Оқбўтаев 2019 йил 1 январь ҳолатида худудда хорижий капитал иштирокида бирорта корхона маъбуд бўлмагани ҳолда, бугунга келиб 11 та қўшма ва хорижий корхона фаолият кўрсатаётганини таъкидлади. Жорий йилнинг ўтган даврида бу корхоналар томонидан 2 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилинган.

– Лекин ҳали олдимизда етакчи тармок бўлган тоғ-кон саноатини ривожлантириш вазифаси турибди, – деди Х.Оқбўтаев. – Хорижий инвесторларга бу борадаги имкониятларимизни кўрсатиб бера олиш керак. Асосий драйверларимиздан бири бўлган қишлоқ хўжалиги соҳасида узумчиликни бугунги кун талабидан келиб чиқиб тақомиллаштиришга эътибор қаратаймиз. 2018 йилда соёқ совхозлар ҳисобидаги тоқзорлар 600 гектарни ташкил этарди, ҳолос. Кейинги уч йилда деҳқон ва фермер хўжаликларини томонидан экилган тоқ ва болғаримиз 5 минг гектардан ошди. 1225 гектар майдонда томчилатиб суғориш технологияси жорий этилди. Келгуси йилда 90 га яқин фермер хўжаликлари томонидан сув тежовчи технологияларни қўллаган ҳолда узумчилик йўлга қўйилади. 2021 йилнинг якунига бориб туманимизда узум майдонларини 10 минг гектарга етказишни режалаштирганмиз.

Шу пайтгача туманимиз аҳолиси эҳтиёжи учун сабзавотни бошқа туманлардан олиб келардик. Энди эса давлатимиз томонидан берилган имкониятлар натижасида деҳқон ва фермер хўжаликларида 4,5 мингдан ортиқ сув қудуқлари қазилиши, қўшни туман ва вилоятлардан деҳқонларни жалб қилиб, аҳолини ўргатишимиз натижасида бу маҳсулотларни ўзимизда етиштиришимиз. Биргина картошкачилик бўйича жорий йилда илк мартаба четдан уруғ келтириб, 700 гектардан ортиқ майдонда картошка экилди ва яхши ҳосил олишга эришилди.

Бундан ташқари, четдан 10 минг бош қўй, эчкилар олиб келинди. 2021 йилда яна 6 бош чорва олиб келиб, фермерлар ва аҳолига тарқатамиз.

Туманни 2021-2022 йилларда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури доирасида умумий қиймати 280,6 миллиард сўмлик 174 та лойиҳа режалаштирилган. Шунингдек, 6,6 миллион доллар микдорда хорижий инвестиция ўзлаштирилади.

Нарпай тумани ҳокими вазифасини бажарувчи Ш.Раҳмонов ўз мурожаатида жорий йилда туманни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари доирасида 176,6 миллиард сўмлик 80 та лойиҳа амалга ошириладиганини таъкидлади.

– Тадбиркорликни ривожлантириш, маҳаллий бюджетга қўшимча маблағлар тушишини таъминлаш, пировардида аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш ва камбағалликни қисқартириш мақсадида ҳар бир маҳалла, корхона бўйича тизимли иш олиб борилди, – деди Ш.Раҳмонов. – Бунинг натижасида январь-декабрь ойларида 121 миллиард сўмлик 77 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилди ва 628 та янги иш ўрни яратилди. Маҳаллий бюджетга дастурлар доирасида қўшимча 11 миллиард сўмлик тушумлар туширилишига эришилди. 4,4 миллион доллар хорижий инвестиция жалб қилиш режалаштирилиб, амалда 5,2 миллион долларлик инвестициялар ўзлаштирилди.

Пандемия бўлишига қарамаддан туманда саноат ишлаб чиқариш ҳажми 9 ой якунида 407 миллиард сўмини ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан ўсish суръати 120 фоизга, аҳоли жон бошига қарий 2 миллион сўмга тўғри келди. Ш.Раҳмонов, шунингдек, мурожаатида аҳолини қийнаб келаётган икки масала

– ичимлик сув ва оқова сув тармоқларидаги муаммолар ечимига тўхтади. Таъкидланишича, бугунги кунда фақат 30 та маҳалла худудига тармок орқали тоза ичимлик суви етказиб берилмоқда, ҳолос. Туман аҳолисини ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида 2021 йилда бир неча лойиҳа амалга оширилади.

Жумладан, Инвестиция дастурига асосан Мирбозор қўرғони, Тортувли ҳамда Баркамол маҳалла фуқаролар йиғинлари худудларига 44 километр масофада янги сув тармоғи тортилиб, 2114 аҳоли хонадонига тоза ичимлик суви кириб боради.

Оқтош шаҳридаги 12 та кўп қаватли уйда канализация тармоғи мунтазам ишлашини таъминлаш мақсадида 2019-2020 йилларда 20,5 миллиард сўмлик сув тозалаш иншооти қурилиб ишга туширилди. Бу йўналишда 2021 йилда ишлар изчил давом эттирилади. Яъни, икки йил давомида Оқтош шаҳридаги қолган барча кўп қаватли уйлар, мактаб ва мактабгача таълим ташкилотлари, корхона ва ташкилотлар тўлиқ канализация тармоғига уланади.

Сессиялар якунида туманлар ҳокимлари ва секторлар раҳбарлари иштирокида матбуот анжуманлари ўтказилди.

КУН МАВЗУСИ

# Осойишталикни таъминлаш учун куч ва воситалар етарли

**Ж**орий йилнинг ўтган 9 оyi мобайнида вилоят ҳудудида жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда бир қатор профилактик тадбирлар олиб борилди. Хусусан, 10 августдан 10 сентябрга қадар "Тафтиш", 19 августдан 19 сентябрга қадар "Ичкиликбозликка қарши курашиш ойлиги", 19 сентябрдан "Тазйик ва зўравонликка қарши курашиш ойлиги" махсус профилактик тадбири ўтказилди.

Натижада вилоятдаги 1 097 та маҳалланинг 627 тасида ёки 57,2 фоизда жиноят содир этилишига йўл қўйилмади, 70 тасида жиноятлар сони камайди, 134 тасида жиноятлар сони барқарор ҳолатда сақланди.

Вилоят ҳудудида содир этилган жиноятларнинг келиб қиши сабаб ва шарт-шароитлари таҳлили асосида ўзини-ўзи бошқариш органлари, корхона, ташкилот ва муассасаларга содир этилган жиноятлар ҳамда уларнинг оқибатлари бўйича 3 мингдан ортиқ тақдимнома киритилди.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, қотиллик ва оғир тан жароҳати, ўртача ва енгил тан жароҳати етказиш билан боғлиқ жиноятларнинг аксарияти ўзаро келишмовчилик ва олдиндан бўлган низолар оқибатида содир этилаётганлиги кузатишмоқда.

Хусусан, қотиллик жиноятининг 13 таси (52 фоизи) ҳамда оғир тан жароҳати етказиш жиноятининг 7 таси (11,1 фоизи) ва ўртача оғирликдаги тан жароҳати етказиш жиноятининг 5 таси (7,2 фоизи) оила-турмуш доирасида, яъни эр-хотин, ота-она ва фарзанд, ака ва укага нисбатан содир этилган.

Ўтган даврда вояга етмаганлар ва гуруҳлар томонидан содир этилган жиноятлар камай-

ган бўлса-да, ёшлар, хотин-қизлар, илгари судланганлар ва маст ҳолатдаги шахслар жинояти ошган.

Жиноят ва ҳуқуқбузарликларга мойил бўлган 324 нафар вояга етмаганлар ҳамда 433 нафар фарзанд тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи ота-оналар профилактик ҳисобга олинди.

Вояга етмаганлар жиноятчилиги ва ҳуқуқбузарлигининг олдини олиш мақсадида ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил, адашган ёки қаровсиз қолдирилган, таълим муассасасидаги дарс машғулотида сабабсиз қатнашмаган 1407 нафар вояга етмаганлар ва уларнинг ота-оналари ёки ота-оналари ўрни босувчи шахслар билан яққа тартибдаги тушунтириш ишлар олиб борилди.

"Тун" ва "Тиг" тадбирлари домида адашган ёки ташлаб кетилган, назоратсиз ва қаровсиз, тарбияси оғир, дайдилик қилиб юрган 28 нафар вояга етмаганлар аниқланиб, вилоят ИИБ ХПБ Вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига жойлаштирилди.

Ўтган 9 ой давомида профилактика инспекторлари томонидан 151 минг 658 та маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳолатлари аниқланган.

Хусусан, 3 минг 134 та майда безорилик, 9 минг 346 та жамоат жойида спиртли ичимлик истеъмол қилиш, 147 та маъмурий назорат қоидаларини бузиш, 4 минг 240 та паспорт тизими қоидаларини бузиш билан боғлиқ ҳолатлар аниқланган.

Фуқаролар ўртасида йўл ҳаракати қоидаларига риоя этиш маданиятини шакллантириш мақсадида ўтказилган рейдлар давомида 218 мингдан ортиқ қоидабузарлик аниқланган. Жумладан, 66 минг 239 нафар кўпол қоидабузарларга, 10 минг 108 нафар қоидабузар пидедаларга, 2 минг 375 нафар маст ҳолда транспорт воситасини бошқарган ҳайдовчиларга нисбатан маъмурий чоралар кўрилган.

Олиб борилган ташкилий-амалий ва тизимли профилактик тадбирлар натижасида содир этилган йўл-транспорт ҳодисалари 2 тага, ҳалок бўлганлар сони 7,1 фоизга ёки 13 тага, жароҳатланганлар сони 6,9 фоизга ёки 26 тага камайишига эришилди.

Хулоса қилиб айтганда, амалга оширилаётган тадбирлар, аҳоли ўртасида ўтказилаётган урчурув ва суҳбатлар биз, ички ишлар органи ходимларига юртимизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталикни мустаҳкамлаш, жамоат тартибини сақлаш, инсонлар хотиржамлигини таъминлашдек мураккаб, айна вақтда шарафли вазифани бажариш учун бор билим ва салоҳия-

тимизни ишга солишимиз лозимлигини яна бир бор чуқур ҳис этиш имконини бермоқда.

**Шавкат РАҲМОНОВ,**  
вилоят ИИБ бошлиғи,  
полковник.



# «Энергетика тизими мутасаддиларидан кўнглим қолган»

**- Музаффара опа, Қонунчилик палатасида бошқа депутатларга нисбатан ёшнингиз катталиги ва бутун фаолиятингиз давомида мактабда ишлаб, профессионал қонун ижодкорига айланганингиз қандай кечди?**

- Аслида бу савол мени Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатиликка сайланган кунимдаёқ ўйлантирган. Ҳатто бир неча кун тушкунликка тушиб қолганим ҳам рост. Халқ ноиб деган юкнинг ниҳоятда оғирлигини қалбим ҳис этиб, ўта масъулиятли вазифани ундай олармиканман, деган бир ҳади мени қийнади.

Депутат сифатида илк қатнашган тадбирим давлатимиз раҳбари раислигида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари билан ўтказилган йиғилиши бўлди. Ушбу йиғилишда Президентимиз айтган гаплари менга куч, ишонч берди. Шу йиғилишда Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайланган депутатларнинг таркиби таҳлил этилганда, гендер тенглиги бўйича депутатларнинг 48 нафари аёл киши эканлиги қайд этилди.

Ёш депутатлардаги шижоат ва қатъиятни тан оламан, шу билан бирга ёши нисбатан каттароқ депутатларнинг ҳаёт тажрибаси қонун ижодкорлигида қўл келаяпти, деб айта оламан. Аслида қабул қилинаётган қонун ҳаётиимизда учраётган муаммолардан келиб чиқиб ёки турмушимизни яхшилашга салбий таъсир этаётган бюрократик тўсиқларнинг олдини олишга, умуман халқимизнинг фаровон яшашига қаратилади. Яъни, кўп йиллик педагогик, ҳаётий тажриба профессионал қонун ижодкори сифатида менга фақат фойда берапти, деб ўйлайман.

**- Ўтган давр мобайнида сайловчиларингизнинг қандай аниқ муаммоларини ҳал қилиб беролдингиз? Қандай ҳолларда депутатнинг ҳам қўли калталиги қилиши сизга оғир боғган?**

- Бир қанчасини санашим мумкин. Тадбиркор Акрам Ҳудойқулов қариб 2 йилдан буюн "Феруза кичкинтойлари" давлат-хусусий шериклик асосида қурилаётган мактабга таълим ташки-

лоти учун имтиёзли кредит ололмай, бино қурилиши тўхтаб қолган эди. Масалая аралашганимиздан сўнг, тадбиркорга имтиёзли кредит ажратилди.

Бундан ташқари, фуқаро Раҳматовнинг мурожаати асосан Оқолтин маҳалласидаги кўчага оптик тола тортилиб, интернетга уланди. Пахтачи маҳалласи фуқароларининг мурожаати асосан маҳалланинг барча кўчаларига янги симёғочлар, ҳаво линияси ва трансформатор ўрнатилди.

Иш ҳақи тўланмаганлиги, оилавий келишмовчиликлар ва бошқа масалалардаги муаммолар мутасаддилар билан биргаликда ҳал этилди.

Тўғри, ҳали сайлов округида ечимини кутаётган муаммолар кўп. Айтилик, туманда 127 та мактабдан қанчасида ўқувчилар 2 навбатда ўқийди, 49 та мактабда спорт зал, ярмидан кўпроғида ўқувчилар учун ошхона йўқ.

Бу борада халқ таълими вазирлиги билан доимий мулоқотдаман. Барчаси маблағ, ресурслар билан боғлиқлиги боис муаммони ечишга депутатнинг ҳам қўли калталиги қилиб қолиши инсонга оғир ботади.

**- Парламент депутаты сифатида қайси ташкилотлар фаолияти сизга салбий таъсирот қолдирди? Нима учун?**

- Энергетика вазирлиги тизимидagi ташкилотлар дейиш мумкин. Юртимизга ноябрь ойида совуқ тушиши билан телефоним жиринглашдан тўхтамади, "свет йўқ, ёрдам қилин" деган ёзма, оғзаки мурожаатлар тўхтовсиз келиб турди. Албатта, мутасаддиларга чиқаман, улардан «қаердир эски сим узилди ёки авария содир бўлибди, тезда бартараф этингиз», деган жавобни оламан.

Баъзида бу узилшлар 1-2 кунга чўзилади. Агар қиш гамини ёзда еб, мутасаддилар тизимдаги муаммоларни эртароқ ҳал қилиб қўйганларида, аҳоли ноябрь ойида электр энергияси таъминотидаги муаммолар сабаб бунчалик азият чекиб қолмасди.

**- Шу пайтгача айнан сиз томонингиздан билдирилган қандай тақлифлар қонунларда ёки лойиҳада ўз аксини топди?**

- Давлат дастури лойиҳа-



си муҳокама қилинаётганда маҳалла фуқаролар йиғини раисини сайлашда адолат ва ошқоралик тамойилларига амал қилиш нуқтаи назаридан фақат маълум бир тақлиф этилганлар томонидан эмас, балки маҳалла фуқароларининг кўпчилиги ва вақти ҳам ҳисобга олинши керак, деган тақлифим инобатга олинди.

"Таълим тўғрисида"ги қонун лойиҳасига ҳам бир қанча тақлифлар бердим. Айтилик, "давлат таълим муассасаси-давлат бюджетдан ташқари маблағлар ҳам бўлиши мумкинлигини ҳисобга олиш лозимлиги тўғрисидаги тақлифим билан "молиялаштириладиган" сўзлари олиб ташланди.

Бундай мисолларни кўплаб келтиришим мумкин.

**- Қонунчиликка Самарқанд ёки айнан сизнинг сайловчиларингиз манфаатлари билан боғлиқ яна қандай тақлифларингиз бор?**

- Қабул қилинаётган қонунлар инсон манфаатига, шу жумладан, сайловчиларимиз манфаатига ҳам хизмат қилиши шарт.

**- Сайловчилар манфаатидан келиб чиқиб юборган депутатлик сўровингизга мисол келтиринг. Натижаси нима бўлган?**

- Халқ таълими вазирга Паст Дарғом туманидаги умумий ўрта таълим мактабларининг моддий-техник базасини яхшилаш борасида депутатлик сўрови юбордим. Вазирлик томонидан жавобда тумандаги барча мактабларнинг аҳоли таҳлил қилинган ҳамда муаммолар босқичма-босқич инвестиция дастурлари орқали бартараф этилиши қайд этилган.

**- Вақт ажратиб саволларингизга жавоб берганингиз учун раҳмат!**

**Ё.МАРҚАЕВ**  
суҳбатлашди.

# Хўжалик жамиятлари ўзларини молиялаштириши мумкин

**А**малдаги қонунчиликка кўра тадбиркорлик субъекти бўлган масъулияти чекланган жамиятларга ҳам ўзларини молиялаштириш учун корпоратив облигациялар чиқаришлари рухсат берилди. Шунингдек, тижорат банклари кредитлари ҳақиқий муқобили бўлган корпоратив облигациялар шартлари соддалаштирилган ҳолда хусусий корхоналарни молиялаштириш учун чиқарилади.

Бу фикрлар капитал бозорини ривожлантириш агентлиги ва унинг вилоят ҳудудий бошқармаси томонидан корпоратив облигацияларни чиқариш тартиби ва ҳужжатларни тайёрлашда ҳуқуқий маслаҳатлар бериш ҳамда корпоратив облигацияларни чиқариш жараёнида яқиндан амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида ташкил этилган семинарда билдирилди.

Акциядорлик жамиятлари, масъулияти чекланган жамиятлар, капитал бозори соҳаси мутахассислари, тадбиркорлар иштирок этган семинарда капитал бозорини ривожлантириш агентлиги директорининг ўринбосари Д.Муҳамедов корпоратив облигациялар чиқариш хўжалик жамиятларининг айланма маблағларини кўпайтириш ҳамда уларнинг фойдасини ошириш учун хизмат қилишини билдирди. - Масъулияти чекланган жамиятлар ҳам капитал бозоридagi қулайликлардан фойдаланиб, малакали мутахассисларни жалб қилган ҳолда корпоратив облигациялар чиқаришни йўлга қўйиши мумкин, - дейди Д.Муҳамедов. - Яъни, айланма маблағга эҳтиёж қолдирмайдиган ҳақиқий муқобили орқали инвесторлардан бевосита шартномалар орқали облигацияларни чиқариб бериш



эвазига маблағ қабул қилиш ва облигацияда белгиланган муддат ва фоизларда даромадлар тўлаш каби ҳаракатлар жамиятни молиялаштириш учун хизмат қилади. Бундан кўринадики, эмиссияда белгиланган муддатдан сўнг корпоратив облигациялар сўндирилади ва ушбу муддатда молиялаштирилган маблағлар ҳисобига жамият ишлаб чиқариши бардавом ўсади, молиявий барқарорлиги таъминланади.

Семинарда хўжалик жамиятларининг облигацияларини чиқариш, капитал бозоридagi бошқа ўзгаришлар бўйича иштирокчиларга зарур тушунчалар берилди.

**Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги вилоят ҳудудий бошқармаси ахборот хизмати.**



Пайариқ туманининг Янгиобод маҳалласидаги "Hududgaz Samarqand" газ таъминоти филиалига қарашли "Пайариқ газ тўлдириш шохобчаси" орқали Пайариқ, Оқдарё ва Қўшрабат туманларидаги 140 маҳалланинг 91 мингдан ортиқ истеъмолчиларига суюлтирилган газ етказиб берилмоқда.

- Шохобчамиз орқали истеъмолчиларга суюлтирилган газни етказиш қуввати ойига 600 тоннани ташкил этади, - дейди "Пайариқ газ тўлдириш шохобчаси" бошлиғи Илёс Бозоров. - Ҳозирда 13 та юк автомашинаси орқали истеъмолчиларга суюлтирилган газ етказиш чоралари кўрилоқда.

Хусан ЭЛТОЕВ олган сурат.

# Хавфсизлик асосий талаб



**Ж**орий йил 16 ноябрдан 16 декабргача "Ёнғин хавфсизлиги кўрик ойлиги" ўтказилди. Ойлик доирасида "Самарқанд магистрал электр тармоқлари" филиалида ҳам ёнғинга қарши чоралар қучайтирилиб, ходимларнинг ёнғин хавфсизлиги борасида билим-кўникмалари оширилди.

Хусусан, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш мақсадида филиалга қарашли нимстанция ва маъмурий бино-иншоотларда мавжуд 40 та ёнғин қалқони ҳолати кўридан ўтказилиб, биланчи ёнғин ўчириш воситалари билан тўлиқ таъминланди. Корхона тасарруфидagi 220 кВ "Самарқанд" ва 500 кВ "Сўғдиёна" нимстанцияларидаги автотрансформаторларда ўрнатилган автоматик ёнғин ўчириш қурилмаси созлиги текширилди. Майли электр қурилмаси учун тузилган 81 та тезкор ёнғин ўчириш карточкаси қайта кўриб чиқилди. Шунингдек, корхона ходимлари билан режа асосида ёнғинга қарши машғулот ўтказилди.

**Жамид ҲАЛИМОВ,**  
"Самарқанд магистрал электр тармоқлари" филиали бош муҳандиси ўринбосари.

# Жар ёқасидаги йўл

Ёхуд иштихонлик масъуллар фуқаро мурожаатига нега масъулиятсизлик билан ёндашяпти?

**И**штихон тумани Чимқўрғон маҳалласидан ўтувчи сой устидаги кўприк бузилган. Уни таъмирлашга эса катта маблағ керак. Буни тушуниш мумкин, аммо...

Юқори чимқўрғонлик ўқувчилар мактабга бориши учун яна биргина йўл бор. Бунинг учун қўшни Қўшрабат тумани Қийқим маҳалласи орқали 5-6 километр масофани босиб ўтишга бўлгани, мактабга етиб олишди. Шу йўлнинг 130 метр қисми ҳам масъуллар эътиборига муҳтож. Сел оқибатида ҳрсил бўлган катта жарлик нафақат болалар, балки катталар, ҳатто автоуловлар ҳаракати учун ҳам жуда хавфли. Яна бир марта

сел келса, бу йўлдан ҳам юриб бўлмаслиги мумкин.

Бу масала шу қишлоқда яшовчи Нуриддин Яхёевдан келган шикоят хати асосида ўрганилиб, газетамизнинг 2020 йил 26 сентябрдаги 108-сонидa "Сел келса чимқўрғонликлар йўлсиз қолади(ми?)" сарлавҳали мақола ҳамда шу йилнинг 28 сентябрида Zarnews.uz телеграм каналимиз орқали видеолавҳа берилган эди.

Ўша пайтда туман ҳоқими ўринбосари Умид Исмолов жар ёқасидаги йўл масаласини икки-уч кун ичида фавқулодда вазиятлар бўлими вакиллари ва масъул мутахассислардан иборат ишчи гуруҳ билан жойига бориб ўрганишини, муаммонинг ечимини топишга ҳаракат қилишини айтган эди.

Яқинда таҳририятимизга Нуриддин Яхёевдан яна мурожаат келди. У кишининг ёзишича, орадан икки-уч кун эмас, икки-уч ой ўтибди ҳамки ҳоқим ўринбосари ва мутасаддилардан дарак бўлмаган. У вилоят ҳоқимининг шу йил 12 сентябрь кун Пайариқ туманида, 3 октябрь кун эса Қўшрабат туманида ўтказган сайёр қабулида ҳам шу масала бўйича мурожаат қилган. Мутасаддилар эса "шуғулланамиз, кўриб чиқамиз, бажарамиз"дан нарига ўтмаяпти.

Иштихон тумани ҳоқимлиги масъуллари фуқаро томонидан вилоят ҳоқимига

## Аччиқ, аммо чиққ гап

қилинган мурожаатни ўрганиш ва муаммони ҳал этишга нега масъулиятсизлик билан қараяпти? Қолаверса, оммавий ахборот воситалари ёки ижтимоий тармоқларда эълон қилинган мақолага муносабат билдирмаслигини қандай тушуниш мумкин?

Тўғри, айрим муаммоларни бартараф этиш учун муддат ва катта маблағ талаб қилинади. Юқори Чимқўрғондаги бузилган кўприк қайсидир бир дастурга тушишини кутиб ётар. Бироқ қишлоқдаги жар ва унинг ёқасидаги йўлнинг дастурларни кутишга "сабри чидамайди". Яна тақдорлашга тўғри келади: бир марта сел келса Юқори чимқўрғонликлар йўлсиз қолиши шубҳасиз. Ўйлаймики, масъуллар бундан тўғри хулоса чиқариб, халқ дардини ҳис қилиб, муаммога ечим топади.

**Тўлқин СИДДИҚОВ.**

## ТАНЛОВ ҒОЛИБЛАРИ БИЛАН ТАНИШИНГ!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 ноябрдаги "Ипотека кредити механизмларини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-5886-сонли фармони ижроси юзасидан "Осиё тараққиёт банки" маблағлари ҳисобига қишлоқ жойларида аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш орқали даромади юқори бўлмаган ҳамда уй-жой шaroитларини яхшилашга муҳтож бўлган оилалар учун уй-жойлар қуриш мақсадида 2020 йилда қишлоқ жойларида кўп қаватли уй-жойлар қуриш учун тадбиркорлик субъектларини танлаш юзасидан ўтказилган танлов савдоларида ғолиб деб топилган пудрат ташкилотлари рўйхати.

№ 2020-01

Танлов савдолари ўтказилган сана: 2020 йил 10 август ва 15 август.

Танлов савдолари ташкилотчиси: Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдоларини ташкил этиш консалтинг маркази.

Танлов савдолари ўтказилган манзил: Самарқанд шаҳри Кўксарой майдони, 2-"Д" корпус. Вилоят қурилиш бош бошқармаси мажлислар залида.

ЛОТлар бўйича ғолиб ташкилотлар рўйхати:

ЛОТ рақами	Худуд	Массив номи	Хонадон сони	2, 3 хонали уйлар			1 м.кв учун таклиф қилинган нарх	Ғолиб ташкилот
				Қаватлар сони	Уй рақами	Танлов ўтказилган сана		
ЖАМИ			900					
1-Сам	Пахтачи тумани	Истиқлол	60	5 қават	1	2020 йил 15 август	3 254 102 сўм	"Мадина савдо белгиси" ХК
2-Сам	Жомбой тумани	А.Қурбонов	60	5 қават	1	2020 йил 15 август	3 850 000 сўм	"Анвар замон нур" МЧЖ
3-Сам	Тойлоқ тумани	Чароғбон	60	12 қават	1	2020 йил 15 август	4 300 000 сўм	"Agromir buildings" МЧЖ
4-Сам		Чароғбон	60	12 қават	2	2020 йил 15 август	4 300 000 сўм	"Agromir buildings" МЧЖ
5-Сам	Оқдарё тумани	Лойиш	48	5 қават	1	2020 йил 15 август	3 900 982 сўм	"Меъмор Алишер Кумушкент" МЧЖ
6-Сам		Лойиш	48	5 қават	2	2020 йил 15 август	3 900 982 сўм	"Уралов Равшан қурувчи" МЧЖ
7-Сам		Лойиш	48	5 қават	3	2020 йил 15 август	3 903 846 сўм	"Дархон инвест қурилиш" МЧЖ
8-Сам		Лойиш	36	5 қават	4	2020 йил 15 август	3 900 982 сўм	"Қурувчи Бинокор Туркистон" МЧЖ
9-Сам	Пайариқ тумани	Янгиҳаёт	60	5 қават	1	2020 йил 15 август	3 902 782 сўм	"У.Ш.Сабина" МЧЖ
10-Сам	Самарқанд тумани	Қорасув	80	16 қават	1	2020 йил 15 август	4 300 000 сўм	"Agromir buildings" МЧЖ
11-Сам		Қорасув	80	16 қават	2	2020 йил 15 август	4 300 000 сўм	"Agromir buildings" МЧЖ
12-Сам		Қорасув	80	16 қават	3	2020 йил 15 август	4 300 000 сўм	"Agromir buildings" МЧЖ
13-Сам	Ургут тумани	Мерганча	60	12 қават	1	2020 йил 15 август	4 300 000 сўм	"Agromir buildings" МЧЖ
14-Сам		Мерганча	60	12 қават	2	2020 йил 15 август	4 300 000 сўм	"Agromir buildings" МЧЖ
15-Сам		Мерганча	60	12 қават	3	2020 йил 15 август	4 300 000 сўм	"Agromir buildings" МЧЖ

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ҚУРИЛИШДА ТАНЛОВ САВДОЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ КОНСАЛТИНГ МАРКАЗИ.

Самарқанд вилоятида автотранспорт соҳасида қўйидаги шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро-вилоят ички йўловчи ташиш йўналишларида ишлаш ҳуқуқини олиш учун 2021 йил 20 январь куни соат 10:00 да

## ОЧИҚ ТЕНДЕР ТАНЛОВЛАРИ ЎТКАЗИЛАДИ

Шаҳар автобус йўналишлари:

ША "3" – "Темирийўл АББ – 65-мактаб";  
ША "4" – "Сартепа маскани – Дўстлик маҳалласи";

ША "6" – "Кимё заводи – Мрамар бозори";  
ША "12" – "Узоқ лагер – М-39 бетон йўли";  
ША "16" – "Яқин лагер – Гулбоғ маҳалласи";  
ША "19" – "Геологлар қўргони – Бўзи маҳалласи";

ША "28" – "Сугдиёна маскани – Темирийўл АББ";

ША "41" – "Сугдиёна маскани – Бетонка";  
ША "55" – "Сиеб бозори – Равонак";  
ША "55а" – "Шоҳи Зинда АББ – Андижон";

ША "55в" – "Сиеб бозори – Давлатобод";  
ША "70" – "Сартепа маскани – Ўрмон хўжалиги";

ША "71" – "Сиеб АББ – Сугдиёна маскани";  
ША "74" – "Сартепа маскани – Сиеб АББ".

Шаҳар йўналишли такси йўналишлари:

ШЙ "17" – "Сугдиёна маскани – Эҳтиёт қисмлар бозори";

ШЙ "36" – "Темирийўл АББ – Самарқанд тумани маркази".

Шаҳар атрофи автобус йўналишлари:

ШАЙ "243" – "Ургут АББ – Чеп қишлоғи";  
ШАЙ "244" – "Ургут АББ – Қайроқли – Ўроқбойжар қишлоғи";

ШАЙ "267" – "Ургут АЙҲ – Ургут АББ – Омонқўтон қишлоғи";

ШАЙ "273" – "Сиеб АББ – Жартепа";  
ШАЙ "307" – "Пайшанба – Иштихон";  
ШАЙ "310" – "Ҳазора АББ – Жума АББ";  
ШАЙ "311" – "Жума АББ – Гўзалкент – собиқ Гулистон ш/х. (собиқ Ш.Рашидов ш/х.);"

ШАЙ "329" – "Жума АББ – Кичик булоқ – Чимбойобод";

ШАЙ "347" – "Ургут АЙҲ – Ургут АББ – Хўжайдук";

ШАЙ "348" – "Жума АББ – Хўжайқишлоқ";  
ШАЙ "352" – "Жума АББ – Жом – Дўстмон";

ШАЙ "355" – "Жума АББ – Тўқбой маҳалласи айланма";

ШАЙ "358" – "Жума АББ – Қорасув қишлоғи, 87-мактаб";

ШАЙ "379" – "Жума АББ – Оқсой";  
ШАЙ "380" – "Ургут АББ – Сарбозор";  
ШАЙ "400" – "Ургут АББ – Устахона – Жартепа";

ШАЙ "401" – "Ургут АББ – Мўминобод";  
ШАЙ "414" – "Ургут АББ – Ғўс – Тўртқўл";  
ШАЙ "419" – "Ургут АББ – Фойибота – Қуйиқишлоқ";

ШАЙ "424" – "Жума АББ – М.Дангалов";  
ШАЙ "466" – "Жума АББ – Жом – 4-бўлим";  
ШАЙ "499" – "Ургут АББ – Деҳқонобод – Сиеб АББ";

ШАЙ "420" – "Пайариқ АББ – собиқ Деҳқонобод ж/х.";

ШАЙ "423" – "Каттақўрғон АББ – Нуробод";  
ШАЙ "464" – "Мирзаарик маҳалласи – Шоҳи Зинда АББ".

Шаҳар атрофи йўналишли такси йўналиши:

ШЙТ "353" – "Жомбой – Шоҳи Зинда АББ".

Шаҳарлараро-вилоят ички автобус йўналишлари:

ВХ "553" – "Иштихон – Шоҳи Зинда АББ";  
ВХ "561" – "Пайшанба – Иштихон – Самарқанд АББ";

ВХ "540" – "Зармитан – Қўшрабат АББ – Каттақўрғон АББ".

Шаҳарлараро-вилоят ички йўналишли такси йўналишлари:

ВХЙТ "524" – "Нуробод – Ҳазора АББ";  
ВХЙТ "528" – "Каттақўрғон АББ – Ҳазора АББ";

ВХЙТ "529" – "Мирбозор – Ҳазора АББ";  
ВХЙТ "532" – "Қўшрабат АББ – Самарқанд АББ";

ВХЙТ "541а" – "Самарқанд АББ – Жўш қишлоғи".

Очиқ тендерда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида рўйхатдан ўтган, солиқ органлари ҳисобидан турадиган, автомобиль транспортида тегишли равишда шаҳар, шаҳар атрофида, шаҳарлараро йўловчи ташкилларни амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияга ҳамда тендер таклифларида тавсия этилаётган ҳар бир транспорт воситаси учун лицензия варақаларига эга бўлган барча юридик шахслар қатнашишлари мумкин. Тендер қатнашчиси айнан битта автотранспорт воситасини ҳар хил йўналишларга тавсия этишга ҳақли эмас.

Туғатиш ва банкротлик босқичида турган ёки мулкига таъқиқ қўйилган талабгорларнинг тендерда қатнашишлари йўл қўйилмайди.

Иштирокчи тендер таклифлари шаклини тўлдиршида, ўз таклифларидаги баҳо мезонларига алоқаси бўлмаган маълумотларни қўшмасдан, фақат сўралаётган баҳо мезонлари бўйича тўла ва мукамал ахборот тақдим этишга мажбур.

Даввогар тақдим этаётган тендер таклифлари у томондан имзоланган ва муҳри билан тасдиқланган бўлиши керак.

Йўналишларда йўловчилар транспорти хизмати кўрсатиш юзасидан тендер ғолиби билан шартнома камида 1 йил муддатга тузилади. Шартнома бўйича ишларнинг барча шартларига ташувчи томонидан риоя қилинган ҳолларда шартноманинг амал қилиш муддати ўзайтирилиши мумкин.

Тендер ташкилотчиси – Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро-вилоят ички йўналишларида йўловчилар ташишни ташкил этиш комиссияси.

Очиқ тендерда иштирок этишни хоҳловчилар комиссияга тендер ҳужжатлари пакетларини олиш учун Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлигининг 23402000300100001010

хисоб рақами, шахсий ғазна хисоб рақамига 4014108604262773422967279 (Банк коди: 00014, СТИР: 201122919) 1 та пакет учун 50 000 (элик минг) сўм, 2 та пакет учун 75 000 (етмиш беш минг) сўм ва ундан ортиқ пакет олишни истаса, ҳар бир пакети учун 25 000 (йигирма беш минг) сўмдан ўтказиб, 2021 йил 15 январь куни соат 17:00 гача бюртма беришлари ҳамда тендер ҳужжатлари пакетларини олишлари лозим. (Ишончнома ва тўлов топшириқномаси тақдим этилиши шарт).

Қатнашчи тендерда қатнашишдан бош торгандан, тендер ҳужжатлари пакети учун ундан олинган маблағ қайтариб берилмайди.

Тендер таклифлари 2021 йил 19 январь соат 17:00 гача қабул қилинади.

Комиссиянинг ишчи гуруҳи манзили: Самарқанд шаҳри Амир Темур кўчаси, 69-уй. Самарқанд вилоят транспорт бошқармаси биноси.

Мурожаат учун телефонлар: 66-233-71-12, 66-233-31-38, 71-202-05-00 (231 қисқа рақам).

"Каттақўрғон пахта тозалаш" акциядорлик жамияти

## АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

"Каттақўрғон пахта тозалаш" акциядорлик жамияти акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши 2020 йил 28 декабрь куни соат 10:00 да Каттақўрғон шаҳри Т.Розиқов кўчаси, 2-уйда жамият маъмурий биносининг мажлислар залида ўтказилади.

Йиғилиш қатнашчиларини рўйхатга олиш соат 09:00 да бошланади.

Жамиятнинг расмий веб-сайти: www.kattakurganptk.uz

КУН ТАРТИБИДАГИ МАСАЛАЛАР:

1. Саноқ комиссияси аъзолари сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш.

2. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш.

3. Жамиятнинг 2019 йилги ҳисоботини тасдиқлаш.

4. Жамиятнинг 2019 йил якуни бўйича олинган соф фойдасини тасдиқлаш.

5. Аудиторлик ташкилотларининг ҳулосаларини тасдиқлаш.

6. Жамият бош директорининг 2019 йилги ҳисоботини тасдиқлаш.

7. Жамиятнинг 2021 йилга мўлжалланган бизнес-режасини тасдиқлаш.

8. Жамият тафтиш комиссиясининг 2019 йил якуни бўйича йиллик ҳисоботини тасдиқлаш.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришларини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 2018 йил 19 сентябрдаги 744-сонли ва 2019 йил 18 мартдаги 230-сонли қарорларига асосан "Каттақўрғон пахта тозалаш" АЖ ҳамда пахта тайёрлаш масканларининг (қарорга киритилган Ўдгорхўжа, Каттаминг, Қадан, Гулистон ва Ўзбекистон) бино-иншоотларини

ДАЪВОЛАР БЎЛСА

Самарқанд шаҳридаги «HURSHEDA TIBBIYOT VA TASHXIZ» масъулияти чекланган жамияти ўз устав фондини камайтирмоқда.

Шу муносабат билан унга билдирилайдиган барча даъволар газетада эълон чоп этилгач, кўйидаги манзилда қабул қилинади.

Манзил: Самарқанд шаҳри Амир Темур кўчаси, 55-уй. Телефон: 66-233-09-59.

\*\*\*

Самарқанд шаҳридаги «OLIMPIC AVTO TRADE» хусусий корхонаси (СТИР: 306599230) таъсисчисига тегишли бўлган корхона устав фондидаги номинал киймати 5 000 000 (беш миллион) сўмга (100 фоиз) тенг бўлган мулки Алиев Аслам Акрамовичга сотилган.

Шу муносабат билан унга билдирилайдиган барча даъволар газетада эълон чоп этилгач, бир ой давомида қабул қилинади.

Манзил: Самарқанд шаҳри Лутфий кўчаси, 22-уй.

\*\*\*

Жомбой туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Маматқулов Отабек Болбекович нотариал идорасида марҳум Мусурмонов Мелибой Кенжаевичга (2019 йил 3 декабрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Маматқулов Отабек Болбекович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Жомбой тумани Сарой кўчаси, 15-уй.

\*\*\*

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Қадирова Мавлуда Туранбаевна нотариал идорасида марҳум Франкел Геннадий Науумовичга (2019 йил 19 октябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Қадирова Мавлуда Туранбаевна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Нодирабегим кўчаси, 5/1-уй.

\*\*\*

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Қадирова Мавлуда Туранбаевна нотариал идорасида марҳум Франкел Геннадий Науумовичга (2019 йил 19 октябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Қадирова Мавлуда Туранбаевна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Амир Темур кўчаси, 152-уй.

\*\*\*

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Қадирова Мавлуда Туранбаевна нотариал идорасида марҳум Франкел Геннадий Науумовичга (2019 йил 19 октябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Қадирова Мавлуда Туранбаевна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Амир Темур кўчаси, 152-уй.

\*\*\*

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Алиева Лола Заировна

## «SAMARKAND DILLER RIELTOR SERVICE»

масъулияти чекланган жамияти 2020 йил 30 декабрь куни соат 11:00 да ўтказиладиган такрорий аукцион савдосига таклиф этади.

Аукцион савдосига АТ "Асака банк" Самарқанд вилоят филиалининг 2020 йил 14 декабрдаги 24/5602-сонли мурожаат хатига асосан Пайариқ тумани Пайариқ шаҳарчаси, Алишер Навоий маҳалласи, Увайсий кўчасида жойлашган кадастр рақами 14:09:12:03:01:0709:0001, қурилиш ости майдони 310,72 кв.м., фойдали майдони 267,26 кв.м. бўлган "Маъмурий бино" бошланғич баҳоси 441 416 000 сўмда очиқ аукцион савдосига такроран қўйилмоқда.

Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 18:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти).

Юқоридаги мулк 2021 йил 5 январь куни ўтказиладиган аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, унинг такрорий аукцион савдолари 2021 йил 12 ва 25 январь кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтишни олдиндан маълум қиламиз. Аризаларни қабул қилиш

савдо кунига бир кун қолганда тўхтатилади. Савдо ғолиби деб топилган шахсларга 5 иш кунли ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Юқоридаги мулкнинг аукцион савдосида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закатат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закатат пулини «SAMARKAND DILLER RIELTOR SERVICE» МЧЖнинг АТБ "Капиталбанк" Самарқанд филиалидаги қўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: Х/р: 20208000900574382001, МҚО: 01061, СТИР: 303746604.

Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Самарқанд шаҳри Мирзо Улуғбек кўчаси, 91-"А" уй. Телефонлар: 66-234-36-50, 91-522-74-09.

Хизматлар лицензияланган.

КВАРТИРА СОТИЛАДИ

Самарқанд шаҳри марказидаги (микрорайон) барча қулайликларга эга (евроремонт қилинган, табиий газ, ичимлик суви ва электр энергияси доимий, уй жиҳозлари билан) 2 хонали квартира сотилади.

Телефон: 95-509-00-99.

"Каттақўрғон кластер" МЧЖга сотиш билан боғлиқ бўлган 18 066 300,0 минг сўмлик йирик битим тузиш юзасидан қарор қабул қилиш тўғрисида.

Жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларнинг рўйхатини тузиш 2020 йил 22 декабрь ҳолатига ва умумий йиғилиш ўтказилиши ҳақида хабар қилиш 2020 йил 4 декабрь ҳолатига акциядорлар реестри шакллантирилади.

Акциядорларга тақдим этиладиган ахборот (материаллар) билан жамият биносидан танишиб чиқишлари мумкин.

Акциядорларни рўйхатга олиш 2020 йил 28 декабрь куни соат 9:00 дан 10:00 га қадар давом этади.

Акциядорлар ўзлари билан шахсни тасдиқловчи ҳужжат - паспорт ҳамда уларнинг вакиллари қонунчиликда белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома билан келишлари шарт (жис

ЯНГИ ЙИЛ ЯҚИН

# Кулги гимнастика ўрнини босади

Самимий, дилкаш ходимлардан бири ўзининг янги латифаси билан барчани оғзига қаратди.

Икки овчи ўрмонда ов қилиб, ўқлари тугаб уйга қайтаётса, йўлдан шер чиқиб қолибди. Жон ҳолатда қочиб дарахтга тирмашибдилар. Биринчи овчи ҳамроҳига тасалли бериш учун: "Мен китобда ўқиганман, шер дарахтга чиқа олмайди", дебди. Қарашса, арслон ваҳожат билан тепага қараб ўрлай бошлабди. Шунда иккинчиси: "Ана чиқапти-ку?!" деса, шериги хижолат бўлиб: "Менимча, бу шер ўша китобни ўқимаган бўлса керак", деган экан...

Ҳозиргина сув куйгандек жимжит бўлиб турган хона девори кулги зарбидан титраб кетади, гўё. Кимдир бор овозда хо-холаса, кимдир товушини ичига ютиб хи-хилайди, учинчиси кулгидан ёшланган кўзини артади. Қовоқ уюб ўтирган ёки хўмрайган одам йўқ. Ҳамма барабар кулади. Зерикиш, сиқилиш, арзимаган нарсадан асабийлашиш ўз-ўзидан йўқолади. Мазаза қилиб кулгандан сўнг кайфият кўтарилиб, ишчанлик ортади. Ҳалигина соғлиғидан шикоят қилиб турганлар ҳам касаллигини эсидан чиқаргандек, ғайрат билан ўрнидан туради. Ҳа, буни кулгининг қудрати, дейдилар. Табассум ва

ҳанда билан ўз муаммоларингизни сал бўлса ҳам унутасиз. Кулги дарғаларидан бири Юсуфжон қизиқ Шакаржонов бежиз "кулинг дўстлар, умрингиз узок бўлади" демаган. Бу хусусда аллома Абдураҳмон Жомий шундай деганлар:

*Сиқилган кишига кулги бахш этмоқ,  
Бир ботмон қанддан ҳам билгил, яхшироқ.  
Шакардан топади маза оғиз, тил  
Кулгидан топади лаззат руҳу дил.*

Кулги, табассум асаб бузилишининг олдини олибгина қолмай, кўплаб касалликларни даволар экан. Кулги билан даволашнинг асосчиси, америкалик журналист Норман Казинс ўтган асрнинг етимишинчи йиллари бошида ўз устида шундай тажриба ўтказган. У бир неча ой фақат кулгили комедияларни томоша қилган. «Кулги сеанслари натижасида суюқларимда пайдо бўлган оғир касалликдан қутулдим» дейди у. Казинс кейинчалик кулги билан даволаш кафедрасини ташкил этади. Ана шу ташаббуснинг самараси ўлароқ, Америкада 600 дан ортик кулги терапевти табассум билан даволаш бўйича тажриба тўплаган. АҚШлик олимларнинг эътирофи этишича, кулги дардини енгил, терининг аллергиясига хасталикларини даволашда энг муҳим воситадир.

Кулги танани яйратади, юракни яшнатади. Ёнимиздаги



киши табассум қилса, тафти бизнинг юрагимизга ҳам кўчиб кирилади. Шу тариқа юрак қувончга тўлади, кайфият соланади. Турмуш тартибидан кулгининг аҳамияти шу қадар муҳимки, кўпгина муаммоларни кулги ёрдамида енгил, стресс оқибатида пайдо бўладиган касалликларнинг олдини олишимиз мумкин.

Кулги миёга куч беради, ўпкада ҳаво алмашинувини яхшилайти, бош мия қобилидаги импульсларнинг юришини тезлаштиради, бу эса янги ахборотларни қабул қилиш ва ўзлаштиришга ёрдам беради, - дейди каттақўрғонлик тажрибали физиотерапевт-врач Гулсара Бобомуродова. - Беморга ташхис қўйиш, касаллигини даволаш асосида кулгитерапия имкониятларидан фойдаланамиз. Қўрқинчи фикрларни хаёлдан ўтказасан, дахшатга тушамиз. Касалликларни ўйлайверсан, бемор бўлиб қолишимиз тайин. Ҳар биримиз ўзимизда ҳаётга нисбатан ижобий муносабатни шакллантиришимиз керак. Кўтаринки руҳда яшасан, қадамимизда учраган мағлубиятни енгил осон кечади.

Ҳинд олимлари кулги билан даволаш юзасидан изланиш олиб бориб, бир кеча-кундузда 17 дақиқа кулги лозимлигини тавсия қилганлар. Мутахассис олим Карл Родал ўз тажрибаларига асосланиб, «10 дақиқалик кулги 15 дақиқалик гимнастика ўрнини босади», деб таъкидлаган. Кулги мушакларни бўшаштиради, овқат ҳазм бўлишини яхшилайти, асаб тизимида ижобий кайфият пайдо қилади. Инсон қачонки яйраб кулса, дардлари ариб, танасидаги чарқоқ ёзилади, умрига умр қўшилади.

Абдуазиз ҲОШИМОВ.



## Спорт хабарлари



Самарқанд шаҳрида баскетбол бўйича ўғил болалар ўртасида Ўзбекистон чемпионатининг 1-тур мусобақаси ўтказилди.

Тур якунига кўра, Наманган вилояти жамоаси биринчи ўринни қўлга киритди. Вилоятимиз баскетболчилари, шунингдек,

Самарқанд-2 жамоаси иккинчи ва учинчи ўринни эгаллади.



Самарқанд шаҳрида чим устида хоккей бўйича эркеклар ўртасида Ўзбекистон кубоги мусобақаси бўлиб ўтди.

Муросасиз кечган баҳс якунида вилоятимиз спортчилари кубок соҳиби бўлди. Андижон ҳамда Хоразм вилояти вакиллари иккинчи ва учинчи ўринларни эгаллади.



Тойлоқ туманида волейбол бўйича ўсмир киз ва ўғил болалар ўртасида вилоят чемпионати ўтказилди.

Мусобақада вилоятимизнинг шаҳар ва туманларидан келган жамоалар ўзаро баҳс олиб борди. Ўғил болалар баҳси якунида Самарқанд шаҳар жамоаси биринчи ўринни эгаллади.

Ургут ҳамда Тойлоқ тумани волейболчиларига иккинчи ва учинчи ўринлар насиб этди. Қизлар беллашувида нурободликларга тенг келадигани топилмади. Ургутлик ва тойлоқликлар эса иккинчи ва учинчи ўринларни банд қилди.



Жомбой туманида 2006-2007 йилларда туғилган ўғил болалар ўртасида миллий кураш бўйича вилоят чемпионати бўлиб ўтди. Унда 150 нафарга яқин ёш полвонлар голиблик учун гиламда беллашди.

Мусобақа якунида Х.Бурхонов, Д.Асроркулов, Б.Шодидулов, Ж.Каримов, А.Облокулов, О.Маждов, О.Сайдуллаев, Х.Ирскулов, О.Бозоров, И.Асроров ўз вазн тоифасида барча рақибларини енгил, биринчи ўринга сазовор бўлди.

Бекзод АҲМЕДОВ.

## Навоийнинг номи кичик ҳарф билан ёзиладими?



Давлат тили, деб эътироф этилган ўзбек тилини (Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 4-моддаси) буюк мутафаккир шоир Алишер Навоий номисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Чунки Навоий

Ҳазратлари ўзи ижодида эски ўзбек (туркий) тилдан фойдаланиб, унинг ривожланишига катта ҳисса қўшди. Бугун мамлакатимизда Алишер Навоийни билмаган, унинг асарларини ўқимаган инсоннинг ўзи бўлмаса керак, деб

ўйлардик. Адашган эканмиз. Шундай шахслар бор эканки, улар ҳатто Алишер Навоий номи атоқли от сифатида бош ҳарф билан ёзилишини ҳам билмас экан. Хусусан, Ургут тумани тиббиёт (иш қоғози бланкасида бош

## Луқма

харф билан ёзилган) бирлашмасининг иш қоғози бланкасида унинг манзили "Urgut tumani navoiy shox ko'chasi..." деб Навоий сўзи кичик ҳарфда қайд этилган.

Бундай муносабат буюк мутафаккир шаънига ҳурматсизлик эмасми?!

Йўлдош СУЮНОВ, ҳуқуқшунос.



# «АИТЬ «ИПАК ЙЎЛИ»

банки Самарқанд филиали

халқимизни,  
мижозлар ва ҳамкасбларини

## ЯНГИ ЙИЛ

билан қутлайди!



**Байрам шуқуҳи янги орзу-умидлар, янгича қараш ва яхши кайфият ҳамиша ёр бўлишига тилакдошмиз.**

Хизматлар лицензияланган.




# АЛОҚАВАНК

Самарқанд филиали

вилоятимиз аҳли ва барча мижозларини

## 2021

йил билан муборакбод этади.



**Янги йил хонадонингизга бахт, омад, қувонч олиб келсин.**

**ЮРТИМИЗ ТИНЧ, ОСМОНИМИЗ МУСАФФО БЎЛСИН!**

Хизматлар лицензияланган.